

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"QO'QON BIOKIMYO" AJ

Объявление

"QO'QON BIOKIMYO" AKSIYADORLIK JAMIYATI

«COMPLY OR EXPLAIN» («РИОЯ ҚИЛ ЁКИ ТУШУНТИР») ХАЛҚАРО ТАМОЙИЛИГА АСОСАН
2021 ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА ЭЪЛОН

«QO'QON BIOKIMYO» AJNING 2021 ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА:

«IshonchLTD» МЧЖ томонидан 2022 йил 16 мартдаги 2-сонли хати билан жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳисоботи, хулоса ва корпоратив бошқарув тизимини самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар тақдим қилинди.

Корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси (ҳозирда Давлат активларини бошқариш агентлиги) ва Корпоратив бошқарув илмий таълим маркази (ҳозирда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби) томонидан 25.07.2016 йилда тасдиқланган саволнома асосида ўтказилиб, унинг натижаси “юқори” бўлиб, 859 баллни яъни 72% ташкил этган.

Баҳолаш натижалари бўйича қуйидагилар аниқланди:

Кодекс тавсияларига риоя қилинмаган йўналишлари

Тушунтиришлар

Ижроия орган раҳбари ва аъзоларини танловини ўтказиш тўғрисидаги эълон матни чоп қилинмаган.

2021 йилда Ижроия орган раҳбари ва аъзоларига танлов ўтказилмаган. Ижроия органи раҳбари ва аъзолари бизнес-режани бажарилиши ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига баҳо берган ҳолда акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланган.

Жамиятда сифат менежменти тизими бўйича халқаро орган томонидан бериладиган халқаро сертификат олинмаган.

Жамиятда томонидан O'z DSt ISO 9001-2015, O'z DSt ISO 22000-2019 сифат менежменти тизимлари бўйича Ўзбекистон бўйича амал қиладиган миллий сертификат олинган.

Жамият сайтида фундаментал ва техник таҳлил натижалари, мутахассислар, экспертлар ва маслаҳатчиларнинг шарҳлари ва прогнозлари мавжуд эмас.

Фундаментал ва техник таҳлил натижалари, мутахассислар, экспертлар ва маслаҳатчиларнинг шарҳлари ва прогнозлари эълон қилингандан сўнг жамият сайтига жойлаштириш кўзда тутилган.

**Жамиятда иккитадан кам бўлмаган
сертификатланган аудиторлар мавжуд
эмас.**

18.07.2022

Жамиятда ички аудит хизмати таркибига иккитадан кам бўлмаган сертификатланган ички аудит малака сертификатига жисмоний шахслар учун танлов эълон қилиниши режалаштирилган.

Источник: <https://openinfo.uz/en/announce/14123/>

Дата: 25.06.2026